



# Journal of Natural Sciences

№3  
(2021 )

<http://natscience.jspi.uz>



<u>ТАХРИР ХАЙЬАТИ</u>	<u>ТАХРИРИЯТ АЪЗОЛАРИ</u>
<p><b>Бош мухаррир –</b> У.О.Худанов т.ф.н., доц.</p> <p><b>Бош мухаррир ёрдамчиси-Д.К.Мурадова</b> PhD, доц.</p> <p><b>Масъул котиб-</b> Д.К.Мурадова</p>	<ol style="list-style-type: none"><li>1. Худанов У – Табиий фанлар факултети декани, т.ф.н., доц.</li><li>2. Кодиров Т- к.ф.д, профессор</li><li>3. Абдурахмонов Э – к.ф.д., профессор</li><li>4. Султонов М-к.ф.д, доц</li><li>5. Рахмонкулов У-б.ф.д., проф.</li><li>6. Хакимов К –г.ф.н., доц.</li><li>7. Азимова Д- б.ф.н.</li><li>8. Мавлонов Х- б.ф.д., доц</li><li>9. Юнусова Зебо – к.ф.н., доц.</li><li>10. Гудалов М- фалсафа фанлари доктори (география фанлари бўйича) (PhD)</li><li>11. Мухаммедов О- г.ф.н., доц</li><li>12. Хамраева Н- фалсафа фанлари доктори (биология фанлари бўйича) (PhD)</li><li>13. Рашидова К- фалсафа фанлари доктори (кимё бўйича) (PhD), доц</li><li>14. Мурадова Д- фалсафа фанлари доктори (кимё фанлари бўйича) (PhD), доц</li></ol>
<p><b>Муассис-Жиззах давлат педагогика институти</b></p>	
<p>Журнал 4 марта чикарилади (ҳар чоракда)</p>	
<p>Журналда чоп этилган маълумотлар аниқлиги ва тўғрилиги учун муаллифлар масъул</p>	
<p>Журналдан кўчириб босилганда манбаа аниқ кўрсатилиши шарт</p>	

Жиззах давлат педагогика институти Табиий фанлар факултети

Табиий фанлар-Journal of Natural Sciences-электрон журнали

[/http/www/natscience.jspi.uz](http://www/natscience.jspi.uz)

**КИМЁ ЎҚИТИШДА ТАРИХИЙ МАЪЛУМОТЛАРДАН  
ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЗАРУРАТИ**

Эгамбердиев И.Б

Жиззах давлат педагогика институти

**Аннотация:** Мақолада кимёни ўқитиш жараёнида тарихий маълумотлардан фойдаланишнинг зарурати ҳақида, кимёни ўқитишда анорганик кимёни ўргатишида кимёгар олимларнинг тарихий илмий меросларидан фойдаланиш методикаси, тарихийлик томайлларини ўргатиш, анорганик кимёни фан сифатида шакиллантирган замонавий кимёнинг асосчилари бўлмиш Ж.Дальтон, А.Лавуазье, Й.Я.Берцелиус, Н.Н.Зинин, К.Л.Бертолле, Д.И.Менделеев, А.М.Бутлеров, С.Аррениус, Я.Вант-Гофф каби олимлар ҳам кимё тарихига чукур хурмат билан муносабат билдирганлар ва тарихий маълумотлардан фойдаланиш ҳақида фикр юритилган.

**Калит сўз ва иборалар:** Кимё ва унинг тарихи, кимёвий тафаккур ва унинг шаклланиши, кимёвий жамгарма, ўқитишнинг тарихийлик принципи

**Аннотация:-**Статья основана на исторических данные в процессе обучение химии. Методи использовавание исторического научного наследия химиков в преподавании неорганической химии, в пропагандование химии. Изучение исторических принципов. Основы современной химии сформировалось как наука о неорганической химии те, кто глубоко уважает историю химии, такие как Д.И Менделеев , И.Берцелус , А.Лавуазье, Н.Н.Зиннин, К.Л.Бертолле, С.Аррениус, Ж.Дальтон А.М.Бутлеров Я.Вант-Гофф была отфильтрованы по поводу использование данных.

Кимёнинг фан сифатидаги тарихий шаклланиш жараёни ўта мураккаб тарзда кечганлиги сир эмас. Бироқ кимёгар-педагогларнинг катта отряди таянч олий маълумот олишлари давомида кимё тарихини тўлақонли ўқимаганликлари сир эмас. Шу боисдан кимё фани тарихидан зарурый билимларни таргиб этиб бориш – долзарб масала ҳисобланади.

Кимёвий тафаккур кимёдек қадимија ва навқирон фаннинг шаклланиш шажараси ҳақидаги билимларсиз кемтик бўлади. Ахир кимёвий билимлар тайёр ҳолда мавжуд бўлмайди ва уларнинг бугунги бой захираси қўп сонли фидоий тадқиқотчилар меҳнати эвазига тўпланганлиги исбот талаб қилмайдиган тарихий ҳақиқатдир. Энг муҳим кимёвий ихтиро ва кашфиётлар, топилган, яъни кашф этилган кимёвий элементлар ва уларнинг муҳим бирикмалари ҳамда улар билан bogliq индивидуал ва умумий хусусиятлар

кимларнингдир машақатли меҳнати туфайли қўлга киритилгандир. Кимёвий тафаккурнинг шаклланиш тарихи анча чигал ва мунозараларга бой тарихий жараёндир. Олимларнинг яратувчанлик меҳнати ва моддий оламнинг генезиси ҳамда эволюцияси тўгрисидаги мутлақ ҳақиқатнинг шаклланиши-биз билишимиз шарт бўлган билимларнинг таркибий компонентидир. Бундай билимлар, нафақат дунёкараш аҳамиятига эга, балки катта тарбиявий имкониятлар манбаи ҳамdir/1/.

Кимё ўқитувчиси учун кимё тарихи фақат янги факт ва маълумотлар манбаигина эмас, балки унинг қўл остидаги ўқувчиларга катта педагогик таъсир ўтказиш омили бўлиб хизмат қиласди. Кимё тарихи ўта мураккаб ва зиддиятли узоқ йўлни босиб ўтган. Чунки қўлга киритилган ҳарқандай ютуқ замирида аламли маглубиятлар ва зафарли одимлар омихталиги ётади. Муваффақиятлар ва камчиликларнинг тагзаминида қизиқиш уйготувчи ва танкидий фикр-мулоҳазаларга ундовчи сирли куч яширгандир.

Кимё тарихи ва у билан боғлиқ ўкув материаллари ушбу фараз ва қарашлар, гоя ва фикрларнинг тирик ҳамда муттасил янгиланиб ва ўзгариб борувчи жонли оқимидан иборат динамик жараён тарзида идрок этиш имконини беради /2/.

Таассуфлар бўлсинким, умумий ўрта, ўрта маҳсус, касб-хунар ва олий таълимнинг амалдаги давлат таълим стандартлари ва ўқув-методика мажмуасида тарихийлик тамойили жуда заиф ифода қилинган. Айрим ўқитувчилар, ҳатто кимё атамасининг лугавий маъносини, антик дунё кимёсининг шаклланиш ибтидоси ва алкимё, ятрокимё, флогистон кимёси, пневмокимё ҳамда классик кимё каби узоқ давом этган ва кимё илмининг тетапоя бўлиши билан боғлиқ энг муҳим хронологик даврларга тааллуқли маълумотларни билмайдилар. Айниқса, қонунлар ва назариялар, ихтиrolар ва кашфиётлар, қоидалар ва принциплар, тушунчалар ва атамалар, катталиклар ва номли реакциялар, реактивлар ва жиҳозлар, идишлар ва асбоблар, материаллар ва буюмлар билан боғлиқ хотиралар кимё таълимида жонлантирилиши лозим. Буни тадқиқотчилар ва олимлар, кашфиётчилар ва табиатшунослар, умуман, фан фидоийлари олдидаги қарздорлик масъулияти ҳам талаб киласди.

Замонавий кимёнинг асосчилари бўлмиш Ж.Дальтон, А.Лавуазье, Й.Я.Берцелиус, Н.Н.Зинин, К.Л.Бертолле, Д.И.Менделеев, А.М.Бутлеров, С.Аррениус, Я.Вант-Гофф каби олимлар ҳам кимё тарихига чуқур ҳурмат билан муносабат билдирганлар. Юстус Либих каби буюк немис олими «Кимё тарихидан қизиқарлироқ ва жозибадорроқ таълимот йўқ ва бўлмагай ҳам», деганида нақадар хақ гапни айтган эди/3/.

Ўзининг узоқ ва машаққатли ўтмишида кимё фани асосан иккита фундаментал масала билан банд бўлиб келди: 1. Фойдали хоссаларга эга бўлган моддаларни синтез қилиш. 2. Моддалар хоссаларининг хилмачиллигини илмий талкин этиш. Бундай ҳолат кимёгар-методистларнинг диккат марказида туриши лозим, чунки кимё фанининг тарихини ҳар ким ўзича шарҳлаши мақсадга мувофиқ эмас.

Кимёвий ахборот тўлиб-тошиб турган ҳозирги даврда унинг тарихини менсимаслик ёки нотўгри тушуниш нақадар ачинарли ҳолатга олиб келади. Шу боисдан, тарихни материалистик тушунишнинг пойдевори-кимё тарихини илмий жиҳатдан тўгри англашдан бошланади. Кундалик турмуш эҳтиёжлари ва инсониятнинг амалиёти билан бөглиқ масалалар тифайли бу фан шиддат билан юксалиб бормоқда. Унинг тараққиёт шажарасини кўшни фанлар (масалан, физика, минералогия, биология кабилар) билан ўзаро узвий алоқадорликсиз англаб олиш қийин. Ана шундай масалалар узлуксиз кимё таълимида ҳам, малака ошириш соҳасида ҳам тўлақонли акс этиши лозим/4/.

Амалдаги давлат таълим стандартлари ва малака ошириш соҳасининг дастурлари ҳамда ўқув адабиётларида кимё тарихиниadolatsiz тарзда камситиб берилган ёки умуман четлаб ўтилган.

Кимё ўқитувчиларининг малакасини оширишнинг ўзига хос жиҳатлари кўп бўлиб, фикримизча, улар орасида куйидагилар айни даврда, энг муҳим ва долзарб хисобланади: 1.Кимё таълими мазмунига тарихий ва маҳаллий материалларни кўпроқ сингдириш ҳамда мустакиллик йилларида кимё фани, саноати ва технологияси соҳаларида эришилган ютуқларни акс эттириш. 2.Таълим жараёнига кириб келаётган замонавий педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат элементлари ёрдамида тарихий маълумотлар билан тингловчиларни кўпроқ қуроллантириш. 3.Кимёвий билимларнинг узоқ тарихи ва уларнинг генезиси билан бөглиқ масалаларни ўқитишнинг барча ташкилий шакллари мазмунига тизимли тарзда сингдириш. 4.Кимё фани бўйича ўқув адабиётларининг янги авлодини илмий ва методик жиҳатдан таҳлил қилиш ҳамда бу ўқув предметининг ўкув-методика мажмуасини такомиллаштириш ва уни педагогик жараёнга татбиқ этиш масалаларига кўпроқ эътибор бериш кабилар.

Кимё фанининг базавий жамгармаси кун сайин ортиб бораётганлиги учун кимё таълимида "ахборот ортиқчалиги" муаммоси пайдо бўлди. Нимани, қанча ва қандай ўқитиш масаласи кимё методикасида янги қирраси билан кўндаланг бўлди. Бунда энг аввало: а) ўқув материалини мазмунан атрофлича таҳлил қилиш; б) уларни муҳимлиги бўйича гурухларга ажратиш; в) кимёвий билимларни беришда уларнинг ҳаётий зарурлигига асосланиб таснифлаш; г)

кимёning ишлаб чиқариш ва жамият аъзолари учун фойда ёки заарини одилона баҳолаш ҳамда кимёдан чўчиш (қўркиш) каби хемофобик ижтимоий фикни камайтириш; д) кимёвий саводхонликнинг оммавий кўламга эришувини таъминлаш учун узлуксиз таълимнинг умумий ўрта таълим турида кимё ўқитишни тубдан қайта қуриш каби талаблар қондирилиши лозимдир.

Кимёдек кўхна ва навқирон фаннинг узоқ ва машакқатли тарихи билан боғлиқ материаллар ўкув-тарбия жараёнида етарли даражада акс эттирилмаётганлиги туфайли уни ўқитишда тарихийлик тамойилларига жиддий эътибор каратиш лозимлиги сезилмокда. Афсуски, кимё ўкув адабиётлари ва амалдаги ўкув-методика мажмуаси бу борада ўқитувчиларга талаб даражасида маълумот бера олмаяпти. Шунинг учун ҳам кимё ўқитувчиларини тайёрлашда, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимида бу масалага муносабатни ўзгартиришга тўгри келади. Кўп йиллик иш тажрибасига эга бўлган ўқитувчилар ҳам ўқитишда тарихийлик тамойилини кучайтиришга қийналмоқдалар. Бунинг боиси, уларга шу аснода ёрдам берадиган манбаларнинг камлиги, уларнинг таянч олий маълумоти таркибида кимё тарихи билан боғлиқ билимларнинг озлиги, амалдаги дарслик ва ўкув кўлланмалари мазмунида тарихий ҳодиса ва воеаларнинг ўта саёз берилганлиги, кимё фанидаги фактik ва назарий ҳамда экспериментал жамгарманинг салмоги ортиши эвазига тарихий компонентларнинг сиқиб чиқарилаётганлиги кабилардир.

Замонавий кимё тарихан қисқа муддатда оддий ва мураккаб моддаларни ўрганиш борасида катта ютукларни қўлга киритди. Асосий стехиометрик қонунлар қашф этилди, катта фактik жамгарма тўпланди, уларнинг таҳлили кучайди, кимёвий эволюция ва тузилиш концепцияси термодинамика ва кинетика негизида шарҳланди, кимёвий бодланиш ва моддаларнинг табиати тўгрисида янги тасавурлар шаклланди, синтез санъати пайдо бўлди, кимёвий прогрессия ва регрессия конуниятлари очилди, инсоният ҳаётига кимёвий аралашув кучайди. Кимё фанининг ишлаб чиқаришга юз буриши сунъий ва синтетик моддалар сонини ортириди, окибатда, курдатли технология шаклланди. Кимёдаги эмпиризм тамойили назарий эврилишга ўз ўрнини бўшатиб бермоқда. Энди гап кимёвий тафаккурнинг моддий дунё устидан ўрнатган ҳукмонлигини узлуксиз таълим тизимида ёритиш ҳакида боради/4/.

Кимёвий тафаккурнинг шаклланиши ва унинг генезисига назар ташласак, бундай жараён узоқ ва сир-синоатли йўлни босиб ўтганлиги аён бўлади/5,6/. У ҳақда олимлар ўз фикрларини айтиб бўлдилар, ҳисоби. Эндиликда ўқитиш

мутасаддилари кимё таълими ва тарбиясини қандай, қанча ва қай тарзда тарихий ракурсда ёритиб бериш ҳақида бош қотиришлари лозим.

## **Адабиёт**

1. Оманов Х.Т., Нуъмонов Б.О. Принцип историзма в процессе преподавания неорганической химии.//«Халқ таълими» журнали. -№5, 2011. - 107-109 б.
2. Омонов Х.Т., Мараимова У.Р. Кимё ўқитишнинг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти./Концентрик таълим контекстида инновацион технологиилар. Илмий-услубий мақолалар тўплами. -Тошкент: Янги нашр, 2017.-Б.190-193.
3. Оманов Х.Т. О некоторых проблемах взаимоотношения современной химии и физики.//Журнал «Физика, математика ва информатика», 2017. -№1. –С.15-18.
4. Оманов Х.Т., Махмудов Ю.Г., Исматов И.Ш. О пересмотре актуальных и направляющих задач в преподавании и подготовке учителей химии.//Международный научный журнал “Школьная педагогика”, 2016. -№4. –С.44-45.
5. Омонов Х.Т., Мирвохидова М.Н. Кимёвий тафаккурнинг генезиси ва тарихий тараққиёти. Илмий-назарий қўлланма. –Тошкент: Ўзбекистон зиёлиларининг илмий-маърифий уюшмаси, 1993. -24 б.
6. Оманов Х.Т. Об истоках и истории становления химической картины природы. Научно-методическое пособие. –Ташкент: Научно-просветительская ассоциация интеллигенции Узбекистана, 1994. -26 с.